BIZNES DAILY

Экономическая газета

# Биржа

Иқтисодий газетаси

#97(3084)
07.12.2023

www.biznes-daily.uz




## Ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

**Маълумки, дунё иқтисодиётида ноаниқликлар, бозор учун кураш тобора авж олаётган, иқтисодий занжирлар заифлашиб бораётган шароит кузатилмоқда.**

Айни шу вазиятда мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини жаҳон стандартларига мослаштириш, мулк дахлсизлигини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва инвестициявий жозибадорликни таъминлашда бош қомусимизда белгиланган нормаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Президентимиз томонидан Конституциявий комиссия йиғилишида асосий қонунимизда фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларини уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамлаш, халқимиз орасида “снос” деган ном билан машҳур бўлган муаммога бутунлай барҳам бериш, иморат бузилишга тушадиган бўлса, бузишдан олдин унинг қийматига мос равишда компенсация тўланиши шартлиги бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйиш лозимлиги таъкидланганди. Шундан келиб чиқиб, Конституциямизнинг 47-моддасида мутлақо янги норма ўз ифодасини топди. Унга кўра, ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши кафолатланган.

Шунингдек, 68-моддасида ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкинлиги белгиланди. Ушбу муҳим конституциявий норма мамлакатимизда инвестициявий жозибадорликни оширишга, тадбиркорлар хусусий бўлган ўз ер мулкидан зарур ҳолларда гаров сифатида ва бошқа мақсадларда эркин фойдаланишига кенг имконият яратиши билан эътирофга моликдир.

Ҳеч кимга сир эмас, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишни мулксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатларсиз ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари ўз мазмунига эга эмас. Конституция ушбу муносабатларда шахс ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни таъминлаган ҳолда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини, ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Конституциямизда мустаҳкамланган бош мақсад, принцип ва қоидалар мамлакатимиз молия ва кредит соҳаси қоидаларини ҳам халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга қаратилган. Зеро, пул-кредит тизимини такомиллаштириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш орқали мамлакатни янада тараққий топтириш шубҳасиз.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг яна бир моддасида мамлакатимизнинг бюджет сиёсатига оид муҳим янги нормалар, хусусан, давлат бюджетини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиб-таомиллари очиқлик ва шаффофлик принципларига асосланиши кўрсатилган. Айниқса, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат бюджетининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилишини, бу йўналишдаги тартибларнинг қонун билан белгиланишини ҳақиқий фуқаролик жамияти сари яна бир муҳим салмоқли қадам, дейиш мумкин.

Шунингдек, конституциямиздаги мустаҳкам замин негизида мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган стандартлари ва нормаларига тўла мос бўлган давлат бошқаруви ташкил топмоқда. Эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим қоидалари иқтисодий ривожланишнинг самарали механизмини яратишда муҳим омил бўлмоқда.

**Абдуғани УМИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## “Ўзбектелеком” акциялари IPOси қандай ўтмоқда?

**Шу кунларда “Ўзбектелеком” АЖ акцияларини оммавий савдоларда сотиш жараёни давом этмоқда.**

Жамият матбуот котиби Тимур Мамажановнинг ахборот беришича, “Ўзбектелеком” ўзининг умумий ҳажми 5 542 046 дона бўлган бирламчи оддий акцияларини IPO орқали сотувга қўйиб, сармоядорлар учун телекоммуникация соҳасида компания муваффақиятлари тарихининг бир қисми бўлиш учун ажойиб имконият тақдим этмоқда. Ҳар бир акциянинг бошланғич нархи 6 000 сўмдан 10 000 сўмгача баҳоланмоқда.

Жамият сармоядорига айланиш нима учун фойдали эканлигига тўхталиб ўтсак. Ушбу компания мобиль алоқа сегментида 7,5 миллион абонентга эга бўлган бозор улушининг чорак қисмини эгаллаб, таянч станциялари сонини 25 мингтага етказди. Ушбу сегментда компания сезиларли ўсишни намойиш этмоқда. Сўнгги беш йил ичида мобиль база станциялари сони қарийб тўрт бараварга ошди, 3G ва 4G тармоқлари қамрови кенгайди, 5G технологиясини

*Давоми 2-бетда.*

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА “КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА” ТАМОЙИЛИ ҚАНДАЙ ИШЛАМОҚДА? 2

СТАТИСТИКА СОҲАСИДА ГЛОБАЛ ТАЖРИБА АЛМАШИШ 3

ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ – НАШ ОТВЕТ НА ВЫЗОВЫ НОВОГО ВРЕМЕНИ 7

НОВЫЕ ОЖИДАНИЯ И ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ПРОЕКТЫ 8

Курс валют на 07.12.2023

| | |
|---|---|
| USD | 12305.17 |
| EUR | 13278.51 |
| RUB | 131.98 |
| CNY | 1718.96 |

# Давлат харидларида “Коррупциясиз соҳа” тамойили қандай ишламоқда?

**Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шунингдек, вазирлик ва идораларда “Коррупция — тараққиёт кушандаси” шиори остида ўтказилаётган тадбирлар давом этмоқда.**

Иқтисодиёт ва молия вазирлигида бўлиб ўтган очиқ эшиклар кунида тизимда коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Вазирлик масъул раҳбарлари томонидан таъкидланганидек, кейинги йилларда давлат молиясини бошқариш, бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, маълумотлар очиқлиги ва шаффофлиги, жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлаш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бюджет маблағларининг бир қисмини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган ташаббусли бюджетлаштириш тизими, 2020 йилдан бошлаб давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар бюджетларини қонун билан тасдиқлаш амалиёти жорий этилди. Улар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилишидан олдин мажбурий жамоатчилик муҳокамасига қўйиладиган бўлди. “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилиб борилмоқда. Сарфланаётган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар жумладан, даромад ва харажатларнинг таркибий қисмларини очиқланган ҳолда вазирлик расмий веб-сайти (чораклик ва йиллик), очиқ маълумотлар портали (opendata.gov.uz), очиқ бюджет портали (openbudget.uz) ҳамда расмий ижтимоий саҳифаларида жойлаштириб келинмоқда.



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилган. Бунда вазирлик бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштирилишини баҳолаш бўйича масъул этиб белгиланган. Ушбу жараён жами 6 та мезон асосида баҳоланади. Хусусан, 2022 йилда 86 та (21 таси вазирлик, 14 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, 32 таси давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳамда 19 таси қўмита ва агентликлар) республика ижро этувчи ҳокимият органларининг бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларни расмий веб-сайтда жойлаштирилганлиги баҳоланди. Унинг натижаларига кўра, индикатор талабларининг ижро этилиши самарадорлиги 66 фоизни (баҳоланган 86 та субъект томонидан максимал кўрсаткичнинг тўлиқ ёки қисман бажарилмаган қисмига нисбати) ташкил этган. Шундан 52 таси 100 фоизни (яшил), 2 таси 51-70 фоизни (сариқ) 32 таси 50 фоиз (қизил) ва ундан кам кўрсаткичларни қайд этган. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чораларни янада кучайтириш юзасидан вазирликнинг очиқликни таъминлашга қаратилган тадбирларни мониторинг қилиш ҳамда доимий равишда комплекс баҳолаш бўйича ишчи гуруҳи томонидан турли таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда мамлакатимиз фуқаролари ва халқаро ҳамжамият институтларини давлат молиясини бошқариш соҳасидаги турли хилдаги ахборот билан таъминлаш мақсадида вазирлик сайтида статистика бўлимини очиш бўйича тегишли иш олиб борилмоқда. Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни вазирлик расмий веб-сайтларига жойлаштириш бўйича масъул этиб белгиланган ходимлар фаолиятини баҳолаш мезони асосида уларнинг фаолият самарадорлиги рейтингини шакллантириш таклифи илгари сурилган. Бундан ташқари, халқаро бюджет ҳамкорлиги ташкилотига Ўзбекистон Республикасини қўшиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш масаласида Россия Молия вазирлиги билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбир давомида давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида бажарилаётган вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Қайд қилинганидек, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат харидлари иштирокчиларига қулайликлар ва кенг имкониятлар яратиш орқали харид қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш мақсадида бу йўналишда коррупцияга йўл қўймаслик принципи назарда тутилган. У инсофли рақобат ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш, мониторинг олиб бориш ва назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш, давлат харидлари соҳасидаги барча ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилиши ҳолатлари бўйича маълумотларни очиқ ахборот манбаларида эълон қилиб бориш асосида амалга оширилади. Қонун асосида давлат буюртмачиларига давлат харидларини амалга оширишда аффилланганлик бўйича маълумотларни тақдим этиб бориш мажбурияти юклатилган. Унинг нормаларига кўра, иштирокчи ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилланган шахси электрон бозор, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер савдолари бўйича битта лотда иштирок этишга ҳақли эмас. Танлов ва тендер иштирокчилари томонидан коррупцияга қарши аризани тақдим этиш мажбурий ҳисобланади. Давлат харидлари жараёнларида инсон омили иштирокини камайтириш ҳамда соҳани рақамлаштириш мақсадида танлов ва тендер савдолари 2022 йил 1 январдан бошлаб мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилмоқда. Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”га мувофиқ, вазирлик ҳузуридаги ўқув марказида давлат бошқаруви органлари ва улар тизимидаги ходимлар ҳамда хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар, бошқа ташкилотлар ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил қилинган. Давлат харидлари бўйича давлат буюртмачиларининг малакасини ошириш мақсадида масофавий таълим платформаси яратилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида давлат буюртмачиларининг 205 нафар ходими, масофавий таълим платформаси (masofa.tcmf.uz) орқали давлат буюртмачиларининг 3301 нафари ҳамда етказиб берувчиларнинг 510 нафари ўз малакасини оширган. Давлат харидларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аффилланган шахсларни электрон тизим орқали автоматик тарзда аниқлаш имконияти яратилган. Бундан ташқари, давлат буюртмачиларининг жавобгарлигини кучайтириш, улар томонидан давлат харидларини амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини, соғлом рақобатга асосланмаган савдоларнинг ташкил этилмаслигини ҳамда барча тадбиркорлик субъектларига тенг имконият яратилишини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини, шу жумладан, харид қилиш тартиб-таомилларини турларини белгилаш ва ижрочини танлаш шартларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Президентимизнинг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан бу борадаги ишлар янги босқичга чиқиши кутилмоқда. Зеро, фармон билан тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури асосида давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушаётган маблағлар сарфланиши устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилади. Бундан ташқари, ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш регламентини ҳамда давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартибини тайёрлаш мўлжалланган.

Берилган бошқа ахборотларда келтирилишича, вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати эгаллаб турган лавозими, бажарадиган вазифаларидан қатъи назар барча ходимлар учун мажбурий ҳисобланади. Вазирлик тизимидаги ходимларга ўз хизмат ишларини бажариш жараёнида жисмоний ва юридик шахслардан бирор-бир совға, қарз, мукофот шаклидаги рағбатлантириш воситалари, нақд пул маблағларини қабул қилиш тақиқланган. Фақатгина ходимларнинг шахси билан боғлиқ бўлган байрамларда камида уч нафар ходим иштирокида совғаларни беришга рухсат этилган.

Урғулаб ўтилганидек, вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати тузилмаси томонидан мунтазам равишда текширувлар ва ўрганишлар олиб борлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида 3 та хизмат текшируви ва бир марта ўрганиш амалга оширилган. Фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйган 1 нафар ходимга интизомий жазо чораси қўлланилган. Вазирлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларидан 3699 та манфаатлар тўқнашуви тўғрисида декларациялари олинган. Декларацияларда кўрсатилган маълумотларга асосан 14 та ҳолатда қариндош-уруғчилик мавжудлиги аниқланган. Вазирлик ҳудудий тузилмаларида жорий йилнинг учинчи чораги ҳолатига кўра, 7 та салбий ҳаракат содир этилгани аниқланган, 7 нафар ходимга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Режалар ҳақида тўхталиб ўтилганидек, келгусида давлат харидларига оид қонунчилик талабларини бузиш ҳолатларини 2 баробарга камайтириш, давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни талон-тарож қилишнинг, товар ва хизматлар нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий қилиш, юз фоиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупциядан холи қонунчилик тамойили асосида ишлаб чиқиш чоралари кўрилади.

**Замира ТОЖИЕВА.**

# “Ўзбектелеком” акциялари IPOси қандай ўтмоқда?

*Бошланиши 1-бетда.*

жорий этиш давом этмоқда. Интернетга кенг полосали уланиш сегментида ҳам “Ўзбектелеком” абонентлар сонининг сезиларли ўсишини қайд этди. Охирги 5 йил ичида компания интернет тезлигини муваффақиятли оширди, унинг нархини пасайтирди, бу эса Ўзбекистонга кенг полосали интернетдан фойдаланиш имконияти бўйича дунёнинг етакчи 25 давлати қаторига кириш имконини берди. Компания кенг тармоқли уланиш сегментида 83 фоиз асосий улушга эга бўлиб, 2 миллиондан ортиқ абонентга эга ва йиллик ўсиш 30 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари, жорий йилда компания “Ўзбекистонда 5G таъминоти бўйича энг яхши оператор”, “МДҲ давлатларининг 2023 йилда минтақавий оператори”, “МДҲ давлатлари орасида энг динамик ривожланаётган минтақавий оператор” ва “Энг тезкор мобиль алоқа тармоғи” каби халқаро эътирофга сазовор бўлди. Ўсишга йўналтирилган ривожланиш стратегиясига мувофиқ, “Ўзбектелеком” кенг полосали уланиш ва дата-марказлар ташаббусларига фаол сармоя киритмоқда. Компания ҳар бир хонадон учун Интернет қамровини кенгайтириш, қўшимча бозор улушини қўлга киритишга устувор аҳамият бермоқда ва келгуси йилларда даромадлар ўсиши янада тезлашишини кутмоқда.

IPOда иштирок этиш учун эмитент томонидан андеррайтерлар ва техник ҳамкорлар билан бирга жуда қулай шароит яратилган. MyUZTELECOM мобиль иловаси орқали масофадан туриб иштирок этишнинг қулай ва оддий тартиби мавжуд. Потенциал инвесторлар intuitiv интерфейс ва иловадаги аниқ кўрсатмалар орқали ўз уйи ёки офиси, иш жойидан туриб қатнашишлари мумкин. Акцияларни сотиб олиш бўйича аризаларни қабул қилиш жорий йилнинг 15 декабригача давом этади. 20 декабрдан иккиламчи бозордаги савдо жараёни бошланиши кутилмоқда.

# СТАТИСТИКА СОҲАСИДА ГЛОБАЛ ТАЖРИБА АЛМАШИШ

**Замонавий муаммолар янги воқеликка мослашиш учун расмий статистикани талаб қилади. Уни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси кўпинча катта маълумотлар, сунъий интеллект, ахборотни қайта ишлашнинг янги усуллари каби замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ.**

Бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганиш халқаро стандартлар ва методологиялар асосида статистик маълумотларни шакллантириш, глобал тенденцияларни таҳлил қилиш учун маълумотлар сифати ва солиштирилишини яхшилашга ёрдам беради. Расмий статистикани ривожлантириш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш шунчаки амалиётдан нусха кўчиришни англатмайди, балки энг яхши элементларни миллий шароитга мослаштиришни назарда тутади. Бу мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг эҳтиёжларига асосланган стратегияни шакллантиришни ўз ичига олади. Хорижий тажрибани ўрганиш миллий статистикани инновациялар билан бойитиш, сифати ва долзарблигини ошириш бу жараённинг ажралмас қисмидир. Бу мамлакатларга расмий статистик маълумотларда биринчи ўринда туриш ва замонавий дунё чақириқларини самаралироқ енгиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги давлат бошқаруви ва давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш, инновацион рақамли иқтисодиётга ўтиш соҳасида ҳамкорлик қилиш доирасида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Статистика агентлиги масъул ходимлари учун жорий йил 18-21 сентябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликлари Федерал рақобатбардошлик ва статистика марказига ташриф уюштирилди. Дастурга мувофиқ, ташриф аввалида марказ раҳбарияти билан учрашув ўтказилди. Учрашувда Федерал рақобатбардошлик ва статистика маркази томонидан халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш борасида икки мамлакат соҳага оид илғор методологик ва услубий ишланмаларнинг ўзаро самарали алмашинувини олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Тажриба алмашиш дастури Бирлашган Араб Амирликларининг рақобатбардошлик соҳасидаги тажрибаси ва халқаро рейтинглар билан ишлаш амалиёти, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги асосий ислоҳотлар ва ESG (экология, ижтимоий сиёсат ва корпоратив бошқарув) тамойилларининг татбиқ этилиши, статистика сектори ва рақамли маълумотлар сектори, умумий статистик бизнес жараёнлар модели (GSBPM) ва "Маълумотлар етуклик индекси" (Data maturity Index) каби қисмлардан иборат. Ушбу мавзуларнинг амалиётга татбиқ этилишини таништириш юзасидан қатор давлат идораларига ташрифлар уюштирилди. Хусусан, Digital Dubai (Рақамли Дубай) лойиҳаси офиси ва улар томонидан амалга оширилаётган "Қоғоздан воз кечиш" стратегияси ва Давлат бошқаруви ва шаҳар инфратузилмасини бошқаришда катта ҳажмдаги маълумотлар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш тажрибаси юзасидан лойиҳалари тақдимоти билан танишилди. Абу Даби Статистика марказининг Статистика малака ошириш институти томонидан юқори талабдаги кўникмаларни ўргатиш дастурлари тақдим қилинди.



Расмий статистика соҳасидаги БАА тажрибасини таҳлил қилишдан келиб чиқадиган бир қатор афзалликлар мавжуд. Биринчидан, замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ. БАА маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида илғор технологияларни жорий этишда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Шу боис мазкур давлат тажрибасини ўрганиш катта маълумотлар, сунъий интеллект ва автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш каби инновацион усулларни қўллашга ёрдам беради. Иккинчидан, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари муҳим. БАА статистика маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиққан бўлиб, ахборот қайта ишлаш ва таҳлилий ҳисобот бериш амалиётини яхшилашга интилаётган бошқа мамлакатлар учун фойдали тажриба бўлиши мумкин. Учинчидан, у ерда халқаро стандартларнинг устуворлигини кўриш мумкин. Бу давлат статистика соҳасидаги халқаро стандартларга фаол амал қилади. Ушбу тажрибаларни ўрганиш ва амлиётга татбиқ этилиши глобал стандартларни ўрнатиш ва уларга жавоб бериш ҳамда глобал таққосланишга ёрдам беради. Бундан ташқари, маълумотларнинг шаффофлиги ва улардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги бўйича мазкур давлат тажрибаси очиқликни ошириш ва аҳолининг маълумотларга осон киришини таъминлашга интилаётган бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин. Шу билан бирга, БАА статистика институтларининг бошқа орган ва муассасалар билан интеграциялашув тажрибаси мамлакатда самарали ташкилий моделларни шакллантиришга мисол бўла олади. БАА ихтисослаштирилган статистик лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этади, масалан, бахт ва ижобийлик кўрсаткичлари бўйича статистика бўйича тажрибаси ўз статистик тизимига янги ва инновацион жиҳатларни жорий этишга интилаётган мамлакатлар учун фойдали бўлиши шубҳасиз.

Умуман олганда, БААнинг расмий бу соҳадаги тажрибаси асосида расмий статистика тизимларини такомиллаштириш ҳамда жамият ва иқтисодиёт ҳақида аниқроқ ҳамда долзарб маълумотларни тақдим этишга интилаётган бошқа мамлакатлар учун йўл-йўриқ манбаи бўлиб хизмат қилишин таъкидлаш жоиз.

Бу каби хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш нафақат илғор амалиётларни ўзлаштириш, балки уларни ўз шароитларига мослаштириш имкониятини беради. Бу шунчаки нусха олиш ҳодисаси эмас, балки статистика фаолиятини янги ғоялар ва усуллар билан бойитадиган ҳақиқий ижодий жараёндир. Бу бизнинг жамоавий статистик тажрибамизни бойитишга, ўзгарувчан ва динамик дунё муаммоларини самарали ҳал қилишга кучли туртки берищи аниқ.

***Жаҳонгир ҚАМБАРОВ,***
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

# Халқаро ҳамкорлик

**Аввал хабар берганимиздек, Сурхондарё вилояти делегацияси Япония давлатида бўлиб, турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилмоқда.**

Сафар доирасида бугун вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) катта вице-президенти Сачико Имото билан учрашди.

Ўзаро мулоқот чоғида Сурхондарё вилоятида JICA кўмагида япон компаниялари билан иқтисодий, стратегик йўналишларда янги лойиҳаларни йўлга қўйиш, Сурхондарёни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда JICA тажрибаси ва имкониятларини жалб этиш, соғлиқни сақлаш ва мактаб таълимини ривожлантириш ва жиҳозлашда пилот лойиҳаларни амалга ошириш, шўрланган ерларни ўзлаштириш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, қадимий вилоятнинг туризм салоҳиятини Японияда кенг тарғиб қилиш сингари лойиҳаларни амалга оширишга келишилди.

Вилоят делегациясининг кунчиқар мамлакатга сафари давом этмоқда.

# ЭЪЛОНЛАР

Зомин туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 24 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Зарбдор туманидаги қуйидаги юридик шахслар "Quduqcha trans savdo" МЧЖ (СТИР 301857919) 4-1303-2301/1694, "Zarbdor agrotexsers" МЧЖ (СТИР 301786707) 4-1303-2301/1693, "Adirobod tulpori" ФХ (СТИР 303155746) 4-1303-2301/1689, "Fidokor Sodir" ФХ (СТИР 303665848) 4-1303-2301/1683, "Hosildor Bexruzbek zamini" ФХ (СТИР 306432225) 4-1303-2301/1675 ва 2023 йил 30 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Зарбдор туманидаги қуйидаги юридик шахслар "Samo mega" ФХ (СТИР 305366047) 4-1303-2301/1677, "Minora-kapital" ФХ (СТИР 303401542) 4-1303-2301/1695, "Kelajak yoshlar" ФХ (СТИР 305344668) 4-1303-2301/1679, "Himolay cho'qqisi" ФХ (СТИР 302866677) 4-1303-2301/1681, "Muhammad Mashhur" ФХ (СТИР 303672744) 4-1303-2301/1676, "Hosildor yashil dala" ФХ (СТИР 305767655) 4-1303-2301/1680, "Gulli bo'ston chorvasi" ФХ (СТИР 304572970) 4-1303-2301/1682, "Eldor-ziyo" ФХ (СТИР 306147911) 4-1303-2301/1684, "Bilol-Bobur-BO" ФХ (СТИР 308268009) 4-1303-2301/1687, "Asil-Azizbek oshyoni" ФХ (СТИР 306900078) 4-1303-2301/1688, "Malak yuksak hosili" ФХ (СТИР 306432225) 4-1303-2301/1678лар банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот, деб эътироф этилиб тугатишга доир иш очилган, тугатиш бошқарувчи этиб Каттабоев Шохрухбек Бахтиёрович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: 99-749-54-11. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 05.01.2024 йилда соат 11.00 да Зомини ДСИ биносида ўтказилади. Ушбу юридик шахсларга тегишли бўлган думалоқ муҳри ва бурчак штамплари эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида тугатиш бошқарувчига топширилмаган тақдирда йўқолган деб топилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилган ва уларга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

| Т/р | СТИР | Корхона номи | Туман |
|---|---|---|---|
| 1 | 306425794 | "Stone ed gravies engeneering" МЧЖ | Олмазор |

Тошкент туманлараро судининг 2023 йил 21 ноябрдаги 4-1001-2306/69032-сонли ажримига асосан ушбу тўловга қобилиятсиз корхоналарда тугатиш ишларини олиб бориш учун тугатиш суд бошқарувчиси этиб Ж.Х. Санжаров тайинланди. Кредиторлар томонидан қўйиладиган барча талаблар бир ой муддат ичида қуйидаги почта манзилда қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 25-мавзеси, 32-уй, 5-хонадон (инд.: 100152) мурожаат учун тел.: 93-547-00-72. Тўловга қобилиятсиз "Stone ed gravies engeneering" МЧЖнинг биринчи кредиторлар йиғилиши 2024 йил январь ойининг 10 кунида соат 11.00 да, ТИФ Миллий банк АЖ Мирзо Улуғбек филиали биносида бўлиб ўтиши белгиланганини маълум қиламиз.

Беруний туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 20 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан, "Matrizo Masharipjon" FX (300746044), "Kumbosqanli-Maksud" FX (306125725), "Kaltaminor qurilish" FX (301430065), "Kaltaminor Chamani" FX (306116585), "Kakabay-Kurbanbay" FX (303217880), "Jaysan Erasil" FX (306092325), "JamI Eshon obu" FX (300114989), "Jalili" FX (304935827), "Ismoil injiner" FX (302210583), "Elektron shopping complex" MCHJ (306785482), "Bekfurniture" OK (305758397), "Atanazarov Eldorbek" OK (302899066)лари тўловга қобилиятсиз деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Юсупов Мансурбек Янгибоевич тайинланди.

Мазкур юридик шахсларнинг тўртбурчак штампи ва думалоқ муҳрлари эълон чоп этилган кундан эътиборан 10 (ўн) кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда, йўқолган деб топилиб бекор қилинган ҳисобланади. Кредиторлар талаблари мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

**Мурожаат учун тел.:** 93-922-07-17.

**Манзил:** Урганч тумани, Қипчоқ маҳалласи, Дилкаш кўчаси, 39-уй.

**Кредиторлар диққатига!**

Наманган ҳамда Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судининг тегишли ҳал қилув қарорлари билан қуйидаги корхоналарни тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топилган.

"Nam neft-gaz group kompany" (305414936) МЧЖ, "Kamila asl savdo" (303488086) МЧЖ, "Gigabayt tecno" (306046104) МЧЖ, "Aziz mega qurilish savdo sanoat" (305514431) МЧЖ, "Abbos nur ta'minot" (305280007) МЧЖ, "161 avtokorxona" (200079742) МЧЖ, "Best trade import export" (307699059) МЧЖ. Суднинг ҳал қилув қарорлари билан иккинчи тоифали суд бошқарувчиси И.Тожибоевни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди.

Қарздорларга нисбатан кредиторларнинг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун давомида тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

Банкрот жамиятлар молия-хўжалик фаолиятини аудит кўригидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари ҳамда баҳоловчилар ўртасида тендер танлови эълон қилинади. Танловда қатнашувчилар тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда ўз таклифлари билан мурожаат қилишлари мумкин.

Тугатиш бошқарувчи манзили: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 72-уй. Тел./телеграм: 93-676-87-97.

Юқоридаги жамиятларнинг раҳбарлари томонидан корхоналарнинг думалоқ муҳри ҳамда тўртбурчак тамғаси қонунда белгиланган 3 (уч) кунлик мухлатда суд бошқарувчисига топширилмаган тақдирда ҳақиқий эмас (йўқолган) деб ҳисобланади ҳамда бекор қилинади. Лозим бўлган тақдирда янгитдан тайёрлатилади.

Наманган туманлараро иқтисодий судининг 17.11.2023 йилдаги ажримлари билан "Daryo maskani" МЧЖ, "Start holding servis" МЧЖ, "Voha-91" МЧЖ тугатиш суд бошқарувчиси Х.Абдуллаев ўрнига И.Тожибоев тайинланди.

BIZNES DAILY
# Биржа
#97(3084) 07.12.2023

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

---

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 27 апрелдаги 4-1103-2301/110-сонли ҳал қилув қарорига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Эски Тошкент, А. Темур МФЙ, Тиллаобод маҳалласи, 47-уйидан рўйхатдан ўтган **“Agro house organik” МЧЖ** (СТИР 303009879)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиган ва тугатишга доир иш юритиш иши қўлланилган. Тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб О.А. Адхамжанов тайинланган. “Real Excellent Valuation” МЧЖ томонидан бажарилган “Agro house organik” МЧЖнинг мулкий мажмуасининг баҳолаш ҳисоботини ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш бўйича танлов эълон қилинади. Танловда қатнашишда ихтиёр этган махсус рухсатномалари мавжуд бўлган ташкилотларнинг таклифлари эълон чиққан кундан 10 кун ичида қабул қилинади.

**Суд бошқарувчисининг манзили:** (индекс 100069) Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 270-уй, 7-хона.

**Тел.:** 90-004-33-60, 93-504-33-60.

**E-mail:** status-gipper1963@mail.ru

---

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 5 декабрдаги ажримлари билан Нукус шаҳридаги **“Akmangit Zogotpromservis” МЧЖ** (301002953) 4-2301-2303/829, **“Mega chegirma” МЧЖ** (308461434) 4-2301-2303/803, **“Produkt Hukus” МЧЖ** (308978461) 4-2301-2303/804 ушбу жамиятлар тугатиш бошқарувчиси алмаштирилиб, тугатиш бошқарувчи этиб Я.В. Рўзметов тайинланди.

Ушбу муносабат билан талаблар эълон чиққан кундан эътиборан жамиятлар тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

**Манзил:** Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Амударё кўчаси, 9-а уй.

**Мурожаат учун тел./телеграм:** 99-454-44-52.

---

Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 8 ноябрдаги 4-1104-2302/3025-сонли ажримига мувофиқ **“As-Al-Metan gaz” МЧЖ**га нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб кузатув таомили жорий этилган. Муваққат бошқарувчиси этиб 2-тоифали суд бошқарувчи Турғунов Аброр Абдужамалович тайинланган (33/91-494-07-00).

Юқоридаги жамият кредиторларининг йиғилиши 2024 йил 8 январь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 65-а уйда бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судининг ажрими.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Муваққат бошқарувчисига ойлик маош тайинлаш.
4. Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилини танлаш ёки келишув битими тузиш.
5. Бошқа масалалар.

Кредиторлардан йиғилишда қатнашиш учун ташкилот номидан ваколатли вакил (қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат – солиштирма далолатнома ва ваколатнома билан) қатнашишлари сўралади. Кредиторларни рўйхатга олиш 9.00 да бошланади.

---

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 23 ноябрдаги 4-1103-2202/571-сонли ажримига асосан, Тошкент вилояти, Қўйичирчиқ тумани, Тошлоқ ҚФЙ, Сергели маҳалласи, Гулшан кўчасида рўйхатдан ўтган **“Asia eko buld” МЧЖ** (СТИР 302716009 )нинг тугатиш бошқарувчиси Е.Хазариди тугатиш бошқарувчиси вазифасидан озод этилиб қарздор корхонанинг тугатиш бошқарувчиси этиб О.Адхамжанов тайинланди.

Қарздорларнинг кредиторлар талаблари Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни 87-моддасида белгиланган тартибида Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий суди, қарздор ва тугатиш бошқарувчи томонидан қабул қилинади.

**Талаблар билдириш учун суд бошқарувчининг почта манзили:** (индекс: 100069) Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 270-уй, 7-хона. **Маълумот учун тел.:** 93-504-33-60, 90-004-33-60. E-mail: status-gipper1963@mail.ru

---

Жиззах вилоятидаги қуйидаги юридик шахслар Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 20 ноябрдаги ҳал қилув карорлари билан **“Asia work” МЧЖ** (307232766) 4-1301-2301/5151, **“Jizzaxirstroy” МЧЖ** (307483050) 4-1301-2302/5159, **“Yescridet” МЧЖ** (307756518) 4-1301-2301/5165 ва **“Food trade supply” МЧЖ** (307713673) 4-1301-2301/5171-сонли иш банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш очилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Норкулов Синдор тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 08.01.2024 йилда соат 11.00 да Жиззах вилояти ДСИ биносида ўтказилади. **Манзил:** Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй. Тел.: 91-207-96-15. Ушбу юридик шахсларга тегишли бўлган муҳрлар ва тўртбурчакли тамғалари тугатиш бошқарувчига топширилмаган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланди.

---

Андижон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 15 майдаги 4-1701-2301/4527-сонли ҳал қилув қарорига асосан **“Aziya maks” МЧЖ** (СТИР 305630264) соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш белгиланган, тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздор томонидан барча кредиторлик қарздорликлари қоплаб берилди ва ушбу суднинг 2023 йил 4 декабрь кунги ажримига асосан тугатишга доир иш юритиш тугатилди ва фаолияти тикланди.

**Мурожаат учун:** 90-759-61-91.

---

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 29 ноябрдаги ҳал қилув қарорлари билан Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов тумани ва Зафарабод туманларида қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар **“Jafar Maftun invest” МЧЖ** (303112783) 4-1301-2301/5302, **“Хуршидбек Ёнғоқзори” МЧЖ** (306777190) 4-1301-2301/5035, **“Bulung’ur-yutug’i” ФХ** (305800654) 4-1301-2301/5313 лар тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб эътироф этилиб тугатишга доир иш очилган, тугатиш бошқарувчи этиб Тўраев Ботир Бултакович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 14.01.2024 йилда соат 11.00 да Жиззах вилояти солиқ бошқармаси биносида ўтказилади. **Мурожаат учун тел.:** 99-148-80-83. Ушбу хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган думалоқ муҳри ва бурчакли штамплари бир ой ичида тугатиш (суд) бошқарувчига топширилмаган тақдирда бекор ҳисобланади.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 23 октябрь кунги 4-1001-2302/59427-сонли ҳал қилув қарорига асосан **“Passionis stroy” МЧЖ** (СТИР 308946920) банкрот деб эълон қилиниб тугатишга доир иш юритув бошланган, тугатиш бошқарувчиси этиб суд бошқарувчиси Тешабоев Ҳусанбой Тошпўлатович тайинланган.

Кредиторларнинг йиғилиши 2024 йил 17 январь куни соат 15.30 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй, 303-хонада ўтказилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Кредиторларни қайд этиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, йиғилиш бошланишидан 5 дақиқа олдин тўхтатилади.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқадиган материаллар билан йиғилиш давомида таништириб борилади.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Қарздорнинг думалоқ, муҳри, штампи эълон чиққан кундан бошлаб 10 кунлик муддатда тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланади.

Йиғилишга кредиторлар ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан ёки унинг вакили ваколатини белгиловчи ишончнома ҳамда кредиторлик қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан қатнашишлари мумкин.

**Маълумот учун телефон:** 97-581-71-37.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 21 ноябрь кунги 4-1001-2317/61812-сонли ҳал қилув қарорига мувофиқ **“Eskada Build and Business” МЧЖ** (СТИР 304340286) тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган. Тугатиш ишларини олиб бориш учун 2-тоифали суд бошқарувчи Аброр Абдужамалович Турғунов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган (мурожаат учун: 33/91-494-07-00).

Юқоридаги МЧЖ кредиторларининг йиғилиши 2024 йил 9 январь куни соат 10.00 да Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 65-а уйда бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-сонли қарори бўйича тугатиш бошқарувчисини хулосасини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Талаблар 1 ой давомида қабул қилинади. Кредиторлардан йиғилишда қатнашиш учун, ташкилот номидан ваколатли вакил (қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат – солиштирма далолатнома ҳамда ваколатнома билан) қатнашишлари сўралади.

Жамиятнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомининг асл нусхалари, думалоқ муҳри ҳамда бурчак тамға 10 кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаса, бекор қилинган деб ҳисобланади.

---

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 28 ноябрь кунги 4-1501-2304/6957-сонли иш бўйича чиқарилган ажримига асосан **“Farg’onaagrokimyohimoya” АЖ** (СТИР 304474000)га нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг кузатув таомили жорий қилинган, муваққат бошқарувчиси этиб Жўраев Бахтиёр Махмудович тайинланган.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2023 йил 21 декабрь куни Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Оқ йўл кўчаси, 67-а уйда бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Муваққат бошқарувчиси ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Муваққат бошқарувчиси намунавий календар иш режасини тасдиқлаш.
4. Муваққат бошқарувчисига иш ҳаққи миқдорини белгилаш.
5. Кузатув жараёни натижасига кўра, тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилини белгилаш.

**Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари билан эълон чиққан кундан эътиборан бир ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Оқ йўл кўчаси, 67-а уй. Индекс:150103. **Тел.:** 91-117-87-53.

---

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 4 декабрдаги 4-1504-2303/3179-рақамли **“Forceful far” МЧЖ** (СТИР 310367376), 4-1504-2303/3178-рақамли **“Far empire Alikhan” МЧЖ** (СТИР 310520907) га чиқарилган ажримга асосан, ушбу хўжаликлар банкротликнинг соддалаштирилган тартибда банкрот топилиб, уларга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланиб, ушбу кунги ажримга асосан суд тугатиш бошқарувчиси этиб Тешабоев Иброхимжон Юлбарсович тайинланган.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2023 йил 29 декабрь куни соат 10.00 да Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Оқ йўл кўчаси, 67-а уйда ўтказилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари билан эълон чиққан кундан эътиборан 30 кун муддатда мурожаат қилишлари мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг думалоқ муҳри, штампи тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан бошлаб 10 кунлик муддатда тақдим этилмаган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланади.

**Мурожат учун манзил:** (индекс: 150100), Фарғона шаҳри, Оқ йўл кўчаси, 67-а уй, **тел.:** 98-576-09-30.

---

## “Impex-Insurance” aksiyadorlik jamiyati

**sug‘urta tashkiloti акциядорлари диққатига!**

“Impex-Insurance” aksiyadorlik jamiyati sug‘urta tashkiloti ижроия органининг 2023 йил 5 декабрдаги қарорига асосан 2023 йил 26 декабрь куни соат 11.00 да “Impex-Insurance” aksiyadorlik jamiyati sug‘urta tashkiloti акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 38-а уйда ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Жамиятнинг 2024 йил учун инвестицион сиёсатини тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2023 йил 5 декабрь ҳолатига ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2023 йил 20 декабрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт), уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** (инд.: 100057) Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 38-а уй, электрон почта манзили: office@impex-insurance.uz, тел.: 71-207-58-00.

---

Когон туманлараро иқтисодий судининг 04.12.2023 йилдаги 4-2002-2301/1860-сонли ажримига асосан **“Kogon yog’-ekstraksiya zavodi” акциядорлик жамияти**га (201108388) тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилган ва кузатув тартиб-таомили қўлланилган ҳамда муваққат бошқарувчиси этиб Жумаев Отабек Мамурович тайинланган, 2024 йил 8 январь куни соат 17.00 да, Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Амир Темур кўчаси, 5-а уй “Kogon yog’-ekstraksiya zavodi” АЖ биносида, муваққат бошқарувчисининг ҳисоботи, кредиторлар реестрини тасдиқлаш, муваққат бошқарувчисига тўланадиган ҳақ миқдори, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 89-моддаси ва ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларга оид кун тартиблари бўйича кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилади.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 1-проезд, 32-уйда танишиб чиқишингиз мумкин.

Тел.: 93-651-69-11, электрон почта: jumayevo@inbox.ru

Кредиторлар йиғилишига 30 дақиқа қолганда рўйхатга олиш бошланади. Кредиторлар йиғилишида вакиллар ишончнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган кейин иштирок этадилар.

Кредиторлар юқоридаги қарздорга бўлган талабларини ёзма шаклда кредиторлик қарзини тасдиқловчи барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида муваққат бошқарувчиси О.М. Жумаевга тақдим қилишлари мумкин.

---

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 22.06.2023 йилдаги 4-2001-2204/1416-сонли иш бўйича (тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишини юритишни тугатиш ҳақида)ги ажримига асосан **“Centillion-Development” МЧЖ**нинг ва Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 27.11.2023 йилдаги 4-2001-2204/1418-сонли иш бўйича (келишув битими тузилганлиги муносабати билан иш бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида)ги ажримига асосан **“Agroservis Gala Osiyo MTP” МЧЖ**нинг тўловга қобилиятсиз (банкрот)лик бўйича тугатишга доир иш юритиш тугатилганлиги сабабли Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 26 июлдаги банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорларини ижро этилмаслиги билдирилади.

**I-тоифали суд бошқарувчиси А.Хабибов манзили:** Бухоро шаҳри, И.Муминов кўчаси, 38/2-уй, тел.: 94-548-70-20.

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Эмитентнинг номи** | |
| | Тўлиқ: | Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi “Uzsalaman” O’zbekiston - Germaniya qo’shma korxonasi |
| | Қисқартирилган: | “Uzsalaman” AJ |
| 2. | **Алоқа маълумотлари** | |
| | Жойлашган жойи: | Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 62-уй |
| | Почта манзили: | Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 62-уй |
| | Электрон почта манзили:* | uzsalaman@mail.ru |
| | Расмий веб-сайти:* | www.uzsalaman.uz |
| 3. | **Муҳим факт тўғрисида ахборот** | |
| | Муҳим фактнинг рақами: | 06 |
| | Муҳим фактнинг номи: | Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар |
| | Умумий йиғилиш тури: | навбатдан ташқари |
| | Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | 30.11.2023 |
| | Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | 05.11.2023 |
| | Умумий йиғилиш ўтказилган жой: | Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 62-уй |
| | Умумий йиғилиш кворуми: | 98,94 |

| Т/р | Овоз беришга қўйилган масалалар | Овоз бериш якунлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ёқлаш | | қарши | | бетарафлар | |
| | | фоиз | сони | фоиз | сони | фоиз | сони |
| 1. | Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш | 99,99 | 1688397 | 0,01 | 181 | 0 | 0 |
| 2. | Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi “Uzsalaman” O’zbekiston - Germaniya qo’shma korxonasi нинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш | 99,99 | 1688397 | 0,01 | 181 | 0 | 0 |
| 3. | Жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш тартиби ва шартларини тасдиқлаш | 99,99 | 1688397 | 0,01 | 181 | 0 | 0 |

| Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни: | |
|---|---|
| 1. | Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi “Uzsalaman” O’zbekiston - Germaniya qo’shma korxonasi акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин ва саноқ комиссияси аъзолигига Д.М. Абдуллаев, Холмирзаев М. ва Жўрабоева Ф.лар сайлансин. |
| 2 | Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi “Uzsalaman” O’zbekiston - Germaniya qo’shma korxonasiнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилсин. |
